

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ГЎЗАЛЛИК ДУНЁСИ**

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

## **ГЎЗАЛЛИК ДУНЁСИ**

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти

Тошкент – 2008

**78.342 (5 Ў)**

**Г 99**

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	Н. Алаутдинова
Муҳаррир	О.Қиличбоев
Матн терувчи	З.Жалилова

Гўзаллик дунёси: Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Н.Алаутдинова; Муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.- 40 б.

***КБК 78.342+78.303***

Ушбу методик-библиографик қўлланма Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгаши томонидан МДҲ мамлакатларида “2008 йил - Адабиёт ва мутолаа йили” деб эълон қилингани муносабати билан тузилган. Қўлланмада адабиёт фани нимани ўргатади, унинг аҳамияти, китобхонлик нима, китобларни қандай сақлаш, улардан қай тарзда фойдаланиш мумкин? каби масалалар ёритилган, шунингдек, кутубхоналар, ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган оммавий тадбирлар методикаси ва адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланмадан кутубхона мутахассислари, адабиёт ва мутолаа масаласига қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 йил.**

## Сўз боши

Адабиёт сўз санъатидир. У инсон қалби ва руҳидаги нозик товланиш ва оҳангларни илғашга, уларни сўз воситасида акс эттиришга интилади. Энг олий даража, юксак поғоналарга чиқа оладиган бадий адабиёт инсониятни тўлқинлантирадиган, хаяжонга соладиган ўй-фикрлар, кечинмалар, орзу-умидларни ифодалайди.

Адабиёт – сўз санъати. Аммо санъат турлари ниҳоятда кўп ва хилма-хилдир. Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, театр, кино, мусиқа, рақс ва бадий адабиёт санъатнинг турларини ташкил этади. Уларнинг барчасида юксак бадий таъсирчан образлар яратиш кўзда тутилган. Аммо улар ана шу ягона мақсадга турли-туман йўллар билан эришади. Масалан, рақс – ҳаракатлар, тана аъзоларининг ифода имкониятларига таянади. Мусиқа – товушлар уйғунлигига, товушларнинг хиссий ифодасига боғлиқ. Тасвирий санъат учун рангларнинг ўзаро мутаносиблиги алоҳида аҳамият касб этади. Рассомга бўёқ ва мўйқалам ёрдам беради. Ҳайкалтарош эса хом материал (тош, ганч, ёғоч, металл)га ишлов бериш орқали гўзаллик яратади. Адабиёт эса, бу санъатлардан сўз ва руҳнинг беқиёс имкониятлари билан фарқланади.

Сўзлар бадий матннинг юзага келишига омил бўлади, аммо ҳар қандай матн ва сўзлар бадий адабиётга дахлдор бўлавермайди. Бунинг учун сўз муайян бадий эстетик вазифани бажариши лозим. Шунга кўра ҳам бадий адабиёт воқеа-ҳодисаларни ёки инсоний кечинмалар, ҳис-туйғуларни баён қилмайди, балки уларни тасвирлайди.

Тасвир эса сўзга таянади. Сўз – сеҳр, мўъжиза билан ўзига маҳлиё қилади, ром этади. Шунинг учун гўдак аллага, кичик ёшдаги бола эртаққа, катталар бадий ижоднинг турли кўринишларига ниҳоятда қизиқиб қарайди, уларнинг оламига киргач эса, ўзини ҳам шу оламга мансуб ҳисоблайди.

Инсон ўз умрини мазмунли ва маъмур ўтказиши учун аввало ўзини ўраб турган борлиқни тушуна билиши, юксак ақл ва тажриба эгаси бўлиши даркор.

Баъзида шундай одамлар билан учрашиб қоласиз. Икки оғиз суҳбатлашишинг билан унинг нимасидир суҳбатдошни ўзидан бездира бошлайди. Бири-биридан кўпол, кесатикли, пичинг аралаш иддаоли гаплар, чала-чулпа, боши-адоғи йўқ мантиқсиз фикрлардан энсангиз қотади.

Суриштириб кўрсангиз, шу одам мутолаадан анча йироқда бўлади. Китобни жини суймайдиган бўлади!

Шундай одамлар бор. Икки оғиз суҳбатлашиб, танангиз яйрайди. Бутун бошли Қомусни варақлаб чиққандай бўласиз... Бундай кишиларни “суҳбати ширин”, одамлар дейишади. Яна-яна суҳбатлашгингиз, билмаган нарсаларингизни билиб олгингиз келади.

Суриштириб кўрсангиз, шу одам мутолаа билан қаттиқ дўст тутинган, китобсиз бир лаҳза ҳам ўтиролмайдиган одам бўлиб чиқади!

Демакки, мутолаа наинки кишининг билим доирасини кенгайтиради, балки унинг маънавий-руҳий камолотида ҳам муҳим ўрин тутади. Бу – исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат!

Китоб мутолааси кўнгил хоҳиши билан боғлиқ машғулот. Албатта, ҳеч ким бировни китоб ўқишга мажбурлай олмайди. Аксинча, мутолаага даъват этиш мумкин холос. Аммо Э.Лабуле “Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади”, – деб ёзади.

Китоб ўқимаган одам яшай олмайди, деган гап йўқ, аммо яшашда ҳам яшаш бор-да! Китоблар инсонга ўзликни, дунёни англаш, ҳаёт мазмунини тушуниш имконини беради. Бадий адабиётсиз фикрий теранликка эришиб бўлмайди. Радио, телевидение, интернет бор-ку, улар маънавий эҳтиёжимизни қондиролмайдими? – дерсиз. Улар ҳеч қачон китобнинг ўрнини босолмайди.

Адабиёт ва мутолаа ҳақида кўп ва узоқ гапириш мумкин. Агар қисқагина хулоса қиладиган бўлсак, адабиёт – инсоннинг бадий тафаккури маҳсулидир. Китоб эса инсоннинг табиати, моҳияти билан боғлиқ бўлган буюк мўъжизадир. Инсон бор экан, адабиёт ва китоб яшашда давом этаверади.

## Адабиёт – сўз санъати

Бадиий адабиётни ўрганувчи фан адабиётшунослик деб аталади. Бу фаннинг вазифалари ва мазмуни ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун даставвал “адабиёт” терминининг мазмунини аниқлаб олмақ лозим.

“Адабиёт” (ар.-адаб-одоб сўзининг кўплик шакли бўлиб, луғавий жиҳатдан яхши хулқ демақдир) атамаси амалда кенг ва тор маъноларда қўлланилади. Кенг маънода қўлланилганда “адабиёт” тушунчаси доирасига китоблар, рисоалар, мақолалар ва умуман, кўпчиликнинг ўқишига мўлжаллаб ёзилган ва нашр қилинган (босмахона кашф этилишидан аввалги даврда қўлёзма ҳолда тарқалган) асарлар киради. Адабиёт айни чокда, турли соҳаларга бўлинади ва турли номлар билан аталади. Чунончи, қишлоқ хўжалигига оид асарлар – “қишлоқ хўжалиги адабиёти”, техникага доир асарлар – “техника адабиёти”, тиббиётга оид асарлар – “тиббиёт адабиёти”, сиёсатга доир асарлар – “сиёсий адабиёт”, сўз санъатига оид асарлар – “бадиий адабиёт” деб юритилади ва ҳоказо. “Адабиёт” атамаси тор, яъни махсус маънода қўлланилганда фақат бадиий асарлар (романлар, повестлар, хикоялар, очерклар, шеърлар, балладалар, поэмалар, қасидалар, драмалар, комедиялар, трагедиялар ва бошқалар)гина назарда тутилади.

Маълумки, ҳозирги пайтда жаҳоннинг бир неча халқлари тилларида, шу жумладан рус тилида “литература”, ўзбек тилида эса “адабиёт” атамаси ишлатилади. Ҳар иккала атама ҳозирги даврда бир хил маънони англатади. Бироқ бу икки атама этимологик жиҳатдан ҳам, қўлланилиши тарихи жиҳатдан ҳам бир-биридан ажралиб туради.

“Литература” (франц. literature – ёзма адабиёт) атамаси жаҳон фанида XVIII-XIX асрларда пайдо бўлган. Бу атамани Россияда биринчи бўлиб илмий асослаган танқидчи В.Г.Белинскийдир. Россияда XIX аср ўрталаригача “литература” ўрнида “поэзия” атамаси ишлатилган. Махсус ва тор маънодаги “адабиёт” атамаси ўзбек тилида XX аср бошларида қўлланила бошланган.

Ўзбек тилида “адабиёт” атамаси кишиларга яхши хулқ ва умуман ҳаётни тўғри тушуниш ва тўғри яшашни ўргатиш мақсадида ёзилган асарлар маъносида қўлланилган. Шунга кўра, ўтмишда бадий адабиёт билан бирга умуман илмий, тарихий, ахлоқий китоблар ҳам “адабиёт” атамаси тушунчаси доирасига киритилган. Ўрта асрларда шундай асарлар ҳам яратилганки, уларда сўз санъати илм-фан, ахлоқ-одоб масалалари билан чатишиб кетган (“Қобуснома”, “Кутадғу билиг”, “Бобурнома” ва бошқ.). Шу хил асарлар ҳам адабиёт деб юритилган. Бундан ташқари, ўтмишда яратилган соф бадий асарлар (“Шоҳнома”, “Хамса” ва бошқ.) ҳам ёзилганки, булар ҳам “адабиёт” атамаси тушунчаси доирасига киритилган. Бироқ ўтмишда “адабиёт” тушунчаси бўлса-да, уни ифодаловчи атаманинг номи йўқ эди. Бу атама ўрнида турли сўз ва иборалар ишлатилган. Чунончи, шеърий асарлар “назм”, “манзума”, “абёт”, “шеър” деб ва прозаик асарлар “наsr” (тизилмаган, тарқоқ сўз) деб юритилган. Ўтмишда шеърий тўпламлар учун махсус атамалар (“баёз”, “девон” каби) ишлатилган-у, аммо шеърий ва насрий асарлар учун махсус атама (адабиёт) бўлмаган ёки бўлса ҳам уни ишлатиш одат тусига кирмаган. XX аср бошларида ўзбек маърифатпарварлари – Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўзларининг баъзи бадий асарларини “адабиёт” деб аташган. Асримизнинг 20-йилларида “адабиёт” атамасини бадий асарларга нисбатан ишлатиш одат тусига кирган. Мирмуҳсин Шермухамедов, Абдурауф Фитрат, Абдурахмон Саъдий ва бошқаларнинг асарларида “адабиёт” атамаси махсус маънода қўлланила бошланган. Бироқ “адабиёт” атамасининг қарор топиши жиддий изланишлар, баҳслашувлар заминида юз берган. Баъзилар уни ўша даврларда қўлланила бошланган “ёзувчи” (“ёзғувчи”) тушунчасига мослаб “ёзғич” деб аташни тавсия қилганлар. Бироқ адабий жамоатчилик бу атамани қабул қилмади. Шу тариқа, адабиётшунослик илмида “адабиёт” атамаси тўла қарор топган.

Адабиёт – санъатнинг бир тури, сўз санъатидир. Бадий адабиёт ҳаётни сўз орқали тасвир этади. Адабиётда ҳаётнинг

муҳим воқеа-ҳодисалари, кишиларнинг ўзига хос хислатлари, руҳияти, орзу-умидлари, дарди, сир-асрорлари акс этади. Шу тарика, адабиёт турмушни ўрганиш қуроли бўлиб хизмат қилади. Ёзувчи турмушни, факт ва ҳодисаларни ўрганайди, улардан зарур хулосалар чиқаради. Ана шу хулосаларни жонли образлар воситасида ифодалайди. Демак, бадиий адабиёт дунёни бадиий ўзлаштиришдан иборатдир.

Бадиий адабиёт, айна пайтда, дунёни ўзгартириш қуроли ҳамдир. Буюк ёзувчилар жамиятнинг олға интилишига ҳамиша ёрдам берганлар.

Бадиий адабиёт ўқувчининг ҳиссиёти ва шуурига кучли таъсир этади. Умуман, бадиий адабиётнинг маърифий ва эстетик аҳамияти ниҳоятда каттадир.

### **Адабиёт – жамият ҳаётининг кўзгуси**

Адабиёт халқ, жамият ҳаётининг ўзига хос ифодаси ҳамдир. У жамият тарихидаги жиддий ўзгаришларни хилма-хил образлар воситасида турли бадиий шаклларда акс эттиради. Шунга кўра, эрамининг VIII асрларигача яратилган асарларда қадимги аждодларимизнинг урф-одат, эътиқодлари ифодаланган бўлса, кейинги даврларда ислом таълимоти билан ҳамоҳанглик кучайганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, тасаввуфнинг адабиётдаги кўриниши жамият ҳаётидаги кескин ўзгаришлар билан алоқадор ҳолда ривожланди.

Аждодларимизнинг чет эл босқинчларига қарши мардонавор курашлари тарихий манбалардан яхши маълум. Айна ана шу жараён “Тўмарис” ва “Широк” афсоналарида жуда ёрқин акс этган.

Туркий халқларнинг табғачларга қарши кураши эса, Ўрхун-Энасой обидаларида жуда таъсирли ифодасини топган.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида қадимги аждодларимизнинг турли-туман машғулоти, урф-одатлари, яшаш тарзлари, эътиқод ва қизиқишларининг ҳам ифодасини кўриш қийин эмас.

Халқимиз қадимдан фарзандларининг соғлом, ақлли, доно, меҳнатсевар, халқпарвар бўлишини орзу қилган, шунга интилган. Қадимги кўшиқлар, мақол, афсона, дostonларда, қасида ҳатто марсияларда ҳам ана шу ҳолатлар ўз ифодасини топган. Бу жихатдан Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Сайфи Саройи, Хоразмий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий ва бошқа адибларнинг номларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбек адабиёти ўзбек халқининг ўзи сингари жуда бой, қадимий тарихга эга. Унинг ўзига хос шаклланиши ва тараққиёт йўли, ривожланиш қонуниятлари бор. Буларни ҳис этиш, англаш ва умумлаштириш учун унинг тарихини пухта ўрганиш зарур. Адабиёт тарихи сўз санъатининг ривожланиш жараёнлари, мумтоз намояндалари ҳақида маълумот беради. Бу фан туфайли, қадимда яшаб ижод этган, буюк адиблар яратган нодир асарлар, бадий тафаккурдаги ривожланиш ва янгиликлар ҳақида тасаввур ҳосил бўлади.

Ўзбеклар қадимги туркий халқларнинг кўп сонли авлодларидан биридир. Бошқачароқ айтадиган бўлсак, қадимги аجدодларимиз туркийлар деб номланган. Шунга кўра, энг қадимги даврлардан бошлаб XI-XII асрларгача бўлган давр оралиғида яратилган адабиёт фанда *қадимги туркий адабиёт* номи билан юритилади.

Қадимги аждодларимиз Бактрия, Сўғдиёна, Хоразм, Парфия, Марғиёна, Чоч, Паркана (Фарғона) ва бошқа жойларда яшаганлар. Юнон ва Эрон манбаларининг маълумотларига кўра, бу ерларда яшаганларни сўғдийлар, хоразмийлар, парфияликлар, марғиёналиклар, чочликлар, массагетлар, сак (шак) ва парканлар деб аташган.

Олтой атрофида, ҳозирги Сибир ҳудудлари ҳам туркийлар яшаган асосий манзилгоҳлар бўлган. Манбаларда хунлар деб ном олган халқлар ҳам туркийларнинг қадим аждодларидир.

Аждодларимиз турли вақтларда оташпарастлик, масиҳийлик, буддавийлик, монийлик ва ислом динига эътиқод қилганлар.

Улар санъат, айниқса, бадиий ижоднинг оламшумул намуналарини яратишган. Маълумки, адабиётнинг асоси, бош, ўзак томири халқ оғзаки ижодидан бошланади. “Тўмарис”, “Широқ” сингари ривоятлар эрамиздан олдинги даврларда яшаган туркий халқлар томонидан яратилган оғзаки ижод дурдоналаридир. Эрамизнинг V-VIII асрларида пайдо бўлган оғзаки ижоднинг бошқа намуналари: эртак, кўшиқ, марсия, ривоят, афсона, мақоллар Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” (1072 йил) асари орқали етиб келган ва нодир намуналар сифатида ҳозир ҳам ардоқлидир. Улар орқали кўплаб адабий жанрларнинг пайдо бўлиши, тақомилини ҳам кузатиш мумкин.

Туркий ёзма адабиётнинг бизгача етиб келган илк намуналари Ўрхун-Энасой битиклари билан боғлиқ. Бу ёдгорликлар эрамизнинг VI-VIII асрларида яратилган. Улар илк тарихий-бадиий асарлар сифатида қимматли. Кейинги асрларга келиб адабиётимиз бой тажриба тўплади. Бу даврда туркий тилда яратилган илк йирик ёзма достон Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга йўлловчи билим”) (1069-1070 йил) асари юзага келди. Юсуф Хос Ҳожиб бошлаб берган достончилик анъанаси кейинчалик Аҳмад Югнакий, Сайфи Саройи, Қутб, Ҳайдар Хоразмий, Навоий каби шоирлар, адилар ижодида давом эттирилди.

Тўртликлар, рубоий, туюқ, мураббаъ, ғазал, қасида, маснавий, нома каби жанрларнинг ўзбек адабиётидаги тарихи ҳам анча қадимги даврларда шаклланган. Хоразмий, Сайфи Саройи, Атоий, Гадоий, Саккокий, Лутфий каби шоирларимиз бу жанрларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшишган.

Ўзбек насрининг тарихи ҳам қадимги даврлардан бошланади. “Широқ”, “Тўмарис” каби ривоятларнинг асл матни сақланиб қолмаган. Улар юнон тарихчиларининг асарлари орқали бизгача етиб келган.

Ўрхун-Энасой обидаларида ҳам наср излари мавжуд. Шунингдек, “Олтун ёруқ” сингари таржима асарлари ҳам насрда битилган. Шубҳасиз, бу соҳада Носируддин Рабғузийнинг (XIII-XIV асрлар) алоҳида ўрин бор. У “Қиссас-

ул анбиё” (“Пайғамбарлар тарихи”) асари билан ўзбек насрини ўз даврида юқори чўққига олиб чиққан, дейиш мумкин.

Энг қадимги даврлардаги асарларда қаҳрамонлик асосий ўрин тутган бўлса, XI асрдан кейинги адабиётда панд-насихат, яъни таълим-тарбиявий хусусиятлар етакчилик қилади. Бу давр адабиётининг таълимий (дидактик) адабиёт деб номланиши ҳам шу туфайлидир.

### **Адабиёт – руҳият мулки**

- Биров “яхши эпиграмма ёмон поэмадан афзалроқ” деган экан. Мен мутлақо аминманки, инсон қандай бўлиши керак, қандай бўлмаслиги лозим эканини, ёзувчи қалбининг чуқур жойларига кўрсатадиган икки саҳифалик чинакам проза биз учун пала-партиш, лекин устароқ сўзлар билан ёзилган “силлиқ” асардан кўп даражада фойдалироқдир. Адабиёт ҳақида мен билган гапнинг жавҳари мана шу.

Абдулла Қаҳҳор

- Ўйлайманки, Гамлет, Фарҳод, Дон-Кихот, Обломов сингари образлар, инсон хотирасига типик характер эмас, асосан типик муаммо, абадий савол сифатида миҳланиб қолган.

Чинакам бадиий асар ҳамма вақт жавобсиз саволдир. Бордию адиб унда бирор муаммо кўтарган бўлса ҳам, бу амалда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммодир. Агар муаллиф амалда ҳал қилинадиган вазифа қўйса, бу, асосан, очерк ёки мақола бўлади. Ёзувчи эса ташвиқотчи эмас, шоир бўлиши керак.

Асқад Мухтор

- Адабиёт инсон туйғуларига, дардига, ҳаёт йўлига кириб бориши керак. Одам нима учун шундай турмуш кечиряпти?. Инсон ҳаётининг мазмуни нима, у инсон сифатида қандай хусусиятларга эга, унинг ўзига хос томонлари қандай? – асарда шулар тўлиқлигича ақс эттирилиши шарт.

Масалан, Виктор Гюгонинг “Хўрланганлар” романида Жан Волжан деган қаҳрамон бор. Унинг айби – бор-йўғи қорнини тўйғазиш учун битта бўлка нон ўғирлагани. Шунинг учун у бир

неча йилга сургун қилинади. Лекин қаҳрамон қочишга муваффақ бўлади. Кейин эса умрбод “жиноятчи” деган тамға остида яшайди. Биргина ўша “ўғригина бола”нинг ҳаёт тарзи, туйғулари, кечинмалари орқали ёзувчи бутун бир жамиятнинг “авра-астарини” ағдаради.

Озод Шарафиддинов

- Адабиёт – инсоннинг қаддини букадиган эмас, балки кўтарадиган фан. Қадимда Аристотель, адабиёт инсонни поклайди, деган ғояни тарғиб қилган эди. Буни поэтика китобида “катарсис”, яъни “покланиш” ибораси билан ифодаламоқчи бўлган. Бу ибора кейин жуда кўп бор мунозаралар туғдирган, хусусан Гёте уни қаттиқ ёқлаб чиққан эди.

Дарҳақиқат, адабиёт – кишини ёмон туйғулардан тозаловчи, руҳини тиниқлаштирувчидек бир ажойиб вазифани ўтайди. Биз буюк асарларни, китобларни ўқиб, улардаги ажойиб қаҳрамонларни ёқтириб қоламиз. Баъзан берилиб кетиб, уларнинг ҳаётларига аралашиб кетамиз-у, нима биландир уларга ўхшагимиз, уларнинг эзгу ишларидан ибрат олгимиз келиб кетади. Ўзимиздаги айрим қусурларни англаб оламиз ва улардан поклана боришга ҳаракат қиламиз. Буларнинг ҳаммаси, асосан, ижобий қаҳрамон туфайли содир бўлади.

Буюк асарларнинг ҳар бирига мурожаат этсак, шу ҳолни кузатишимиз мумкин. Халқ эпосларидаги ажойиб қаҳрамонлар, айниқса, шундай фазилатларга эга. Эргаштириб кета олувчи қаҳрамонлар ҳақида ўйлаганда, Алпомиш, Тоҳир сингари эпос қаҳрамонлар, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”идаги Фарҳод билан Ширин, Отабек каби образлар кўз олдимизга келади.

Бальзак билан Стендаль ўртасида бўлиб ўтган жуда машҳур баҳс эсимга тушади. Маълумки, Стендаль қаҳрамонлари ҳаётда мурасачиликка бормаيدиган кишилардир, Бальзак қаҳрамонлари эса ҳаётда барча йўл-йўриқларга кўникиб кетаверадиган одамлар сирасига кирадилар. Бальзак ҳаётни бор ҳолича олиб тасвирлайди – “Инсоний комедия”нинг тамойили

шу. Ёзувчининг ижодий услуги ҳам шуни тақозо этади. Стендаль эса ундай қилолмайди. Унинг қаҳрамонлари Прометей хилидаги кишилар. Улар ҳаётда бош эгмайдилар, ҳалок бўлсалар ҳам ёруғ омон (идеал)ларга содиқ қоладилар, ортга чекинмайдилар. Улар ўқувчида ёруғ таассурот қолдириш қудратига эга. Мана шуни эргаштириш санъати дейилади. Стендалнинг ижобий қаҳрамонлари ана шундай кишилардир. Шу ваздан француз реализми Фредерико Стендаль номи билан бошланади.

Адабиётнинг бош тамойили ҳам шундан иборат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Ҳаётда ҳамisha Прометейлар керак. Адабиёт эса ҳаётнинг инъикоси!

Муҳаммад Али

- Адабиёт ҳеч қачон ҳеч бир халқнинг қорнини тўйдириб, уст-бошини бут қилмаган, қилолмайди ҳам. Адабиётсиз яшаш мумкин – бадий китоб ўқимаса ҳам одамнинг куни ўтаверади. Аммо ростини айтганда, бундай кун рўшнолик эмас, зулмат бўлади. Руҳ ва кўнгил зулмати! Ақл ва тафаккур зулмати! Бошқа номлари ҳам бор бунинг: ғафлат, жаҳолат, авомлик ва ҳоказо. Дидни, савия ва идрокни адабиёту санъат тарбияламаса, нима тарбиялайди. Ишонинг: ҳеч нима! Адабиёт – кўнгил мураббийси. Адабиёт завқ-шавқи фақат ва фақат адабиётга хос. Унинг ўрнини босадиган ёки тўлдирадиган бошқа бир нарса йўқдур оламда. Адабиёт дунёси – гўзаллик, нафислик, латофат дунёси.

Иброҳим Ҳаққул

- Ҳозирги пайтда ёзувчи, айниқса, шоир ўз асарларида кўчабоп тилдан, оломон тилидан фойдаланиши керак, деган фикр кенг тарқалган. Бу даъво демократик тамойилли ва шоир учун анча фойдали бўлиб кўрингани билан беъманилик, ва санъатни, бу ҳолда эса, адабиётни тарихга бўйсундуриб беришга уринишдан бошқа нарса эмас. Фақат, агар одамзод ўз таракқиётида тўхташи лозим, деб қарор қилган бўлсак, адабиёт

халқ тилида сўзлаши керак, акс ҳолда, халқ адабиёт тилида гаплашиши керак.

Иосиф Бродский

- Буюк китобхонлар бўлгандагина буюк адабиёт пайдо бўлади.

Борис Пастернак

- Мутолаа қалбни юксалтиради

Вольтер

- Бобокалонларимиз китоб топишга қийналар эдилар: ҳозир эса биз китоб танлашга қийналамиз. Мутолаа учун жуда зийрак бўлмоқ керак.

Леббон

- Цицерон китоб ўқишнинг фойдаси ҳақида:

“Бу нарса ёшларга маънавий озик берса, кексаларни хушнуд этади, бахтли онлар ҳада этади; қийин дамларда кўнгилга таскин беради, юпатиб ором бағишлайди, уйда ҳордиқ, сафарда эса содиқ ҳамроҳ бўлади; тунларни биз билан бирга кечиради, ишимизда ҳам кўмакчи бўлиб, оғиримизни енгил қилади...”

Цицерон

### **Китоб ўқишни биласизми?**

Сизга яхши аёнки, баъзан таниш-билишларга орқаваротдан баҳо берганда “ўқимишли” “ўқимишли йигит”, “ўқимишли киз”, “ўқимишли киши” ва ҳоказо сифатини кўшиб кўядилар.

Дарҳақиқат, ўқимишлилик инсон феъл-атворини баҳолашга маълум даражада мезон бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега энди маълум даражада? Ва унга ўзингиз жавоб излай бошлайсиз. Кўп ўтмай шубҳангиз ўз тасдиғини топгандай бўлади. Баъзи аҳли, “дониш”лар тўғрисида айтиладиган “садкаи ўқитувчи кетсин”, “хайф унга олимлик” каби дашномли ибораларни хотирлайсиз. Дилингизда эътироз уйғонади: ўқимишлиларнинг ҳаммасини яхши одамлар деб бўлмайдими?!

Сиз адашяпсиз, чунки ўқиган одам билан ўқимишли одамни бир-бирига тенглаб бўлмайди.

Тўғри, ўқимишлиликка ўқиш орқали эришилади. Аммо у ёки бу олий ўқув юртини тугатиш, фан номзоди ёки доктори бўлиш кишини том маънода ўқимишли дейишга асос бермайди.

Зукко ўқувчи кўнглида савол туғилади. Нега шундай? Ахир китобни офтобга қиёс қиламиз, “билимлар хазинаси” деймиз. Қатрада кўёш акс этгани каби билимлар хазинасидан баҳраманд бўлган кишини билимдон деб бўлмайдими?

“Китоб кишилик жамияти томонидан яратилган энг буюк ихтиро, бир авлоднинг ўзидан кейинги авлодларга қолдирадиган бебаҳо маданий мероси-ку” деган фикрни эслаб қалбингиз жунбишга келади. “Кўрдимки, энг яхши дўст китоб экан” (Нажмиддин Кубро), ундан баҳраманд бўлган инсонга дунё жумбоқларини ечишга йўл очилмайдими? Сизда “ўжар рақиб” ингизни мот қилиш истаги янада кучаяди.

Лекин сиз “рақиб” ингизни мот қилишга шошилманг-да, кенгроқ мулоҳаза қилиб кўринг. Ўқимишлилик нима? Унга қандай эришилади? Жавобингизнинг қисқа ва аниқ бўлиши табиий: “Албатта, китоб ўқиш орқали”.

Китоб-ку беҳисоб. Аммо уни ҳамма ўқийвермайди. Қолаверса, ўқиганнинг ҳаммаси ўқимишли эмас.

Бундан кўринадики, китобхонлик комилликка эришиш йўлидаги муҳим босқичдир.

Китобхонлик тор маънода китоб ўқишни билдирса, кенг маънода танлаб ўқиш, ҳис этиш, англаш ва фикр билдириш тушунчаларини ўз ичига қамраб олади. У бадий адабиётдан озикланади, адабий танқид ва педагогика кўмагида юксала боради.

Агар сиздан биров: “Китоб ҳақида қандай мақолларни биласиз?” деб сўраса, бир эмас, бир неча мақолни қалаштириб ташлашингиз мумкин. Аммо уларнинг мазмун-моҳиятини изоҳлаш ҳаммининг қўлидан келавермайди.

Барчамиз мактаб даврида дарсликлардан фойдаланганмиз. Бироқ, дарсликларни севиб ўқиганимизда ҳам, барибир бизни ҳали китобхон деб бўлмайди. Чунки дарсликларда барча фикрлар қоидалаштирилиб берилгани ва ҳиссиётдан йироқлиги

туфайли мустақил хулоса чиқаришга қийналасиз, яъни таъсир бир томонлама бўлиб, акс таъсир талаб этилмайди.

Сиз дарсликлардан ҳаёт ва унинг қонуниятлари ҳақидаги билимлар билан танишасиз, уларни ақл кучи билан қабул қиласиз, хотирингизда қайд этасиз. Аммо бу билим ва хулосалар ҳиссиётингизга заррача таъсир кўрсатмайди.

Бадий асар ўқиганда сиздаги бу “лоқайдлик” фаол муносабатга алмашинади. Қалбингиз чексиз шодликларга чулғанади – рухланасиз, ғазабланасиз, изтироб чекасиз. Чунки у қалб дарди туфайли яралган, дард эса суҳбатдошни бефарқ қолдирмайди.

Қаҳрамон руҳиятини ўзлаштириш ижодкордан фидойилик талаб этади. Ёзувчи ўз қаҳрамонининг қувонч-ташвишлари, дард-аламларини шахсий кечинмалари каби юракдан хис этсагина, чинакам санъат намунасини яратади. Буни Ҳабибулло Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи яратилиши тарихи билан боғлиқ қуйидаги хотирасидан ҳам билса бўлади:

“Бобом вафотидан сўнг эди. Шаҳар ҳовлида яшар эдик. Бир кун уйимизда шундай воқеа рўй берди: ойим одатимизча, эрталабки чойни бибимнинг уйига ҳозирлади-да, эрта туриб ёзиб ўтирган дадамни чойга чақиргани кириб кетди. Биз дастурхон теварагида унинг чиқишини кутамиз... Бир вақт ойим негадир индамай чиқди-да, ўтириб бизга чой қуйиб бера бошлади.

- Абдуллани чақирдингизми, Раҳбар? – дадам чиқавермагач, ойимдан сўради бибим.

- Йўқ.

- Нега?

- Ўғлингиз йиғлаб ўтирибдилар, – деди ойим.

Бибим бечора сакраб ўрнидан туриб дадамнинг уйига йўл олди. Кап-катта кишининг йиғлашидан ҳайратга келиб мен ҳам бибим ортидан эргашдим. Кирсак, дарҳақиқат, у юм-юм йиғлар, курсига тирсакланиб олиб, тўхтовсиз ёзар эди. Бибим дадамнинг бу ҳолига бир оз қараб турди-да, бир нарсани тушунди шекилли, индамай мени бошлаб орқасига қайтди ва ўтириб чойини ича бошлади...

Кейинчалик англасам, ўшанда дадам ўз севикли қахрамони Кумушнинг ўлими пайти тасвирини ёзаётган экан”.

Гўзаллик тарбиялайди, деган гап бор. Унга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, жаҳолат ҳам тарбиялайди. Агар сиз “Ўтган кунлар” романидаги Кумуш билан Отабек муҳаббати тасвирига оид сахналардан қай даражада завқлансангиз, Кумушнинг ўлимидан чексиз изтиробга тушасиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам руҳингиз бойийди. Шунга кўра, китобхонликни образли тарзда ўқувчининг адиб билан жонли мулоқоти дейиш мумкин.

Ёзувчи – китобхон мулоқоти ўзига хосдир. Бунда суҳбатлашувчи томонларнинг ҳуқуқлари бир хил эмас. Китобхон – ихтиёрий, эркин суҳбатдан у ўзига суҳбатдош танлаш ҳуқуқига эга. Аммо ёзувчи тимсолидаги суҳбатдош бундай қилолмайди. Китобхон ўқиётган асари ўзини қаноатлантирмаса, мулоқотни тўхтатиб қўя қолади.

Китобхон ҳақ. Абдулла Қаҳҳор айтганидай “Ўқишли китоб гўзалликдир, лекин гўзалликда ҳам гўзаллик бор. Қоронғи кечада отилган мушак ҳам гўзал, куёшга қараб хандон ташлаб турган гул ҳам гўзал. Осмонда сочилиб кетган ранг-баранг олов ва олқиш излар гўзаллиги кўзни қамаштирса ҳам пуч гўзаллик, шунинг учун бебақодир. Гулнинг гўзаллиги эса тўқ гўзаллик, чунки унинг бағрида ҳаёт бор, шунинг учун абадий гўзалликдир.

Ғунча гулдан ҳам гўзалроқ, чунки унинг бағрида икки ҳаёт – ўз ҳаёти ва яна гул ҳаёти бор”.

### *Адабий суҳбатлар*

*Атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг “Хуррият” газетаси мухбирига берган интервьюсидан парча.*

**Озод ака! Болалик чоғларингизда китоб оламига кириб келишингиз қандай кечган?**

5-6 ёшларимда чўмилишни яхши кўрар эдим-у, сузишни билмас эдим. Бир куни болалар қийқиришиб чўмилиб юрган анҳорни кўрдим-у, югура келиб ўзимни сувга отдим. Анҳор чуқур экан. Табиийки, чўка бошладим. Катта болалар бир

амаллаб қирғоққа олиб чиқиб қўйишган. Менинг китоблар оламига кириб келишим ҳам шунга ўхшаш тарзда содир бўлган – ҳали ўқишни ўрганиб-ўрганмас, ўзимни китоблар уммонига отганман. Бу уммон ҳам чуқур экан, лекин буни қарангки, бу уммонда чўкмай ҳануз сузиб юрибман.

**Китоб мутолааси маданиятини кимдир ўргатганми ёки у стихияли тарзда шаклланганми?**

Мутолаа маданиятини ҳеч ким ўргатган эмас. Агар бу маданият бўлса, унга йиллар давомида тажриба орттириб, ўзим эришганман. Албатта, кейинроқ мактаб, ўқитувчилар, дўстларим, кутубхоналар ёрдамга келган. Лекин дастлаб мутолаа жараёни мутлақо тизгинсиз кечган – бир неча йил мобайнида нуسخўрт чиқармай, қўлимга тушган китобнинг ҳаммасини ҳатм қилганман. Уларнинг орасида олам сирларидан, табиатдаги буюмлар ва ҳодисалардан ҳикоя қиладиган илмий-оммабоп асарлар ҳам кўп эди.

**Мутолаага бўлган қизиқиш қаердан туғилади ўзи? Нега айримлар болалиқдан китоб “жинниси” бўлиб улғайса, айримларнинг китоб варақлашга тоқати етмайди?**

Очиқини айтсам, мутолаага қизиқиш қаердан туғилишини ҳозирга қадар билмайман. Ахир, ўзингиз ўйланг – менга ҳеч ким китоб ўқигин, бу – фойда деган гапни айтган эмас, ҳеч ким уч сўм сарфлаб битта китоб олиб берган эмас. Бувим ғирт саводсиз, ўқимаган аёл эди. Аям саводли бўлса-да, китоб ўқишга вақти ҳам, хафсаласи ҳам йўқ эди. Уйимизда бирон дона китоб бўлмаган. Фақат менинг “елиб-югуришим” билан уч-тўрт йилда кичикроқ бир кутубхона майдонга келди. Ҳозир бўлса, уйимда росмана бир кутубхона бор. Унда керакли китобларнинг ҳаммаси топилади десам муболаға бўлмас. Агар мен ўқишга киришган чоғларимда қўл остимда шундай кутубхона бўлганда борми, билмадим, нима бўлардйкин. Бироқ афсуслар бўлсинки, болаларим ҳар қанча қийин-қистовимга қарамасдан бу китоблардан мен истагандек фойдаланишмади. Невараларим ҳам. Йўқ, улар мутлақо ўқигани йўқ десам унча тўғри бўлмас, ўқишади, лекин уларнинг ўқиши тўйган қўзининг ўт-ўлан чимдишига ўхшаб кетади – ўн

марта тевааракка аланглаб, бир чимдиб кўяди. Яқинда бир неварам “Шайтанат”ни олиб кетди-да, ўн кунлардан кейин келиб, роса мактанди: “Буважон, хотиржам бўлаверинг, китобнинг бир ярим бетини ўқидим!”

Шунақа гаплардан кейин ўйланиб қоламан – наҳотки мутолаага қизиқиш туғма хислат бўлса. Аждодларимдан қай бири илмли, китобга ташна бўлган-у, унинг генлари фазода юра-юра, охири келиб менда кўним топдимикин. Бундай дейишимнинг яна бир боиси шундаки, гап фақат невараларимда эмас. Ҳозирги ёшлар ўртасида ялпи равишда китобдан юз ўгириш, имкони борича кам ўқиш касали пайдо бўлган. Нега? Эҳтимол, бунга биз – катталар айбдордирмиз. Эҳтимол, ҳар хил дастуру талабларга амал қилиб, болаларнинг авжи ўқийдиган пайтида уларга бўлар-бўлмас китобларни тикиштириб ётгандирмиз ва бу қилиғимиз билан биз ўзимиз улардаги ҳавасни таг-томири билан йўқ қилаётгандирмиз. Эҳтимол, биз – катталар энг яхши ниятлар билан қуролланган ҳолда, устимизга доно мураббий либосини ташлаб олиб, китоб ўқишдек бир ишни зерикарли бир машғулотга, кишини диққинафас қилишдан бошқа нарсага ярамайдиган мажбуриятга айлантириб кўйгандирмиз?

**Бирорта асарга нисбатан муносабатингиз вақт ўтиши билан ўзгарганми? (Яъни, аввал маъқул кўриб, кейин ёқмай қолганми ва аксинча).**

Албатта. Кўп ҳолларда шундай бўладики, биринчи ўқиганингизда асардан жуда кўп информация оласиз-у, хурсанд бўласиз. Кўзингизга бу асар жуда зўрдай кўринади. Вақт ўтгач, бу информациянинг долзарблиги ўтади, кўп янги гаплар пайдо бўлади ва ўша китоб анча ғариб бўлиб қолгандек туюлади. Аммо ёшлар мутолааси билан катта ёшдаги одамлар мутолааси ўртасидаги асосий фарқ нимада деб сўрасангиз, мен шундай деб жавоб берардим: ёшларнинг китобга муносабатида эмоционал хислатлар устун туради, катталар эса кўпроқ китобдаги интеллектуал жиҳатларга қизиқади, ундан ўзининг ижтимоий-фалсафий, маърифий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришни

ўйлайди. Ёшлар китобдан завқ-шавқ қидирса, катталар умрлари давомида йиғилиб қолган саволларга жавоб излайди, ёки ўзлари топган жавобларни китобдаги жавобларга таққослайди.

**Бадий адабиётда оммабоп ва хос (мураккаб) асарлар мавжуд. Шунга муносабатингиз. Назаримда, бизда нафақат кенг китобхонлар оммаси, балки ҳатто мутахассис адабиётшунослар орасида ҳам мураккаб адабиётга эътиборсизлик борга ўхшайди.**

Беш қўл баравар эмас. Худди шунингдек, китобхонлар ҳар хил. Уларнинг дидлари, ҳам, табиатлари ҳам, тажрибалари ҳам, ақл-заковатлари ҳам ҳар хил. Ҳа, ҳа, шу пайтга қадар инсоният тарихида ҳали ҳеч ким ақлининг камлигидан шикоят қилган бўлмаса-да, одамлар бу жиҳатдан ҳам фарқланади. Бундан ташқари, мутолаадан кўзланган мақсадлар ҳам ҳар хил бўлади.

Шундай бўлгандан кейин, китоблар ҳам оммабоп ва хос асарлар тарзида фарқланса не ажаб. Бу мутлақо қонуний ҳодиса. Яна бир ҳолга эътибор беринг: дунё ривожлана борган сари, одамлар ўртасида бозор муносабатлари такомиллаша боргани сари китоб нафақат санъат асари, балки олди-сотди буюмига ҳам айланиб бормоқда. Сир эмаски, китоб ишлаб чиқариб, китоб сотиб, миллионер миллиардер бўлиб кетган одамлар бор. Китоб бизнесидан тирикчилик қиладиган одамлар ҳам сон мингта бўлса керак. Ўз-ўзидан аёнки, уларнинг китобга қараши ва китобга муносабати менинг ёки сизнинг қарашларингиздан, муносабатингиздан фарқ қилади. Ёзувчи ўз китобини яратаётганда, тўғрироғи, ёзаётганда бўлажак харидорларнинг дидини ва эҳтиёжларини ҳисобга олмай иложи йўқ. Фақат ўзига тўқ, бадавлат адибларгина кўнгилларнинг майлига қараб, истаганча тарзда ёзишлари мумкин.

**Ўз даврида “Ўтган кунлар” кенг омма томонидан ўта ташналик билан талашиб-тортишиб ўқилган. Бизнинг замонга келиб бундай эътибор “Шайтанат”га насиб этди. Яна қайси асарлар шунга ўхшаш “юлдузли онлар”ни бошдан кечирди?**

“Ўтган кунлар”нинг омма томонидан талашиб-тортишиб ўқилгани тўғри. Унинг ёнига яна “Кеча ва кундуз”, “Сароб”,

“Навойи” каби асарларни кўшмоқ мумкин. Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”си ҳам Марк Твеннинг асарлари билан бемалол беллашади, ҳатто “Шум бола”даги тоғ шалоласидек табиий куйилиб келувчи тизгинсиз юмор уни ноёб асарлар даражасига кўтаради. Буларнинг “талашиб-тортишиб” ўқилганига сабаб, албатта, биринчи навбатда, уларнинг юксак бадиий сифатлари. Қолаверса, XX асрнинг талотумларида кўз очиб, уйғониб, йўл кидириб келаётган омманинг чанқоқлиги ҳам бўлган.

Кейин Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг айрим шеърлари “талашиб-тортишиб” ўқилди, негаки, улар тоталитар зулмат ичида димиқиб кетган одамларнинг юрак торларида акс садо берди.

Энди қайси асар “Шайтанат” каби эътибор қозонаркин – буни айтиб бериш қийин. Шу кунларда “Дайди қизнинг дафтари” деган роман қўлма-қўл бўлиб юрибди. Бироқ бу асарнинг бадиий фазилатларидан кўра, китобхонни дайди қизнинг тунги саргузаштлари кўпроқ қизиқтиради, шекилли.

### **Чиройли муқовалар ёхуд китобсевар оила мулки**

Инсон қадим-қадимдан илмга интилиб яшайди. Бу йўлда эса китоб унинг доимий ҳамроҳи. Ўтмишда ўзини зиёли, мартабали саналган кишилар албатта маънавий мулк – хос кутубхонага эга бўлганлар. Китобларнинг адади ва маънавий салмоғи соҳибларининг маърифатпарварлик даражасини акс эттирган.

Бугун китоблар, кутубхоналарга муносабат ўзгарган. Бунга биринчи навбатда кундалик ҳаётимизнинг компьютер, интернет тармоғи билан боғлиқлиги сабабдир. Жавонларни тўлдириб турувчи китоблар энди ихчамгина лазер лаппакчасига ҳам “сиғади”. Аммо, тан олиш керак, китоб, бу – китоб...

Нима учун замонавий дизайнерлар уй жиҳозлашда хануз китобларга мурожаат этадилар? Чунки китоблар нафақат маълумот манбаи, балки хонадон кўрки ҳамдир. Китоб жавонларининг ранги, шакли ва турли баландликда жойлашиши хонанинг умумий кўринишига алоҳида таъсир кўрсатади. Дид

билан ўрнатилган китоб жавонлари жиҳозлар орасида ажралиб туради. Аммо хонадон кўрки – ўз йўлига. Зиёли кишилар аввало маърифат, тараққиёт сари интилганликлари боис китоб йиғиб, хонаки кутубхона ташкил этадилар. Зеро бу бебаҳо мерос келгусида наслнинг давомчиси бўлмиш авлодларга хайрли мақсадлар билан узатилади.

Китоблар асосан, органик модда (пергамент, қоғоз, чарм, елим ва мато)дан тайёрлангани боис вақт ўтиши билан эскиради. Бу жараёни тўхтатиш мушкул, аммо яхши парвариш китобларнинг узокроқ сақланишига ёрдам беради.

Китобга салбий таъсир кўрсатувчи уч омил мавжуд. Булар: *қуёш нури, намлик ва чанг*. Ҳаво ҳарорати 22°C дан ошса, кимёвий ўзгаришлар таъсири фаоллашиб, китобнинг эскириши тезлашади. Юқори ҳароратга қўшилган юқори намлик (65-70 фоиз) бактерияларнинг кўпайишига олиб келади. Натижада китоб варақлари моғор замбуруғлари билан қопланади. Намликнинг камлиги (35–40 фоиз) елим ва чарм каби материалларнинг куриб кетиши, варақларнинг сочилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шунини инобатга олган ҳолда, китоблар 20-22°C ҳароратда, 40–55 фоиз намлик шароитида сақланиши тавсия этилади. Қолаверса, хонанинг тоза сақланиши китобларнинг “умрбоқийлиги” гаровидир. Ҳавода доимий микроорганизмлар мавжуд бўлгани учун, кутубхонани чангдан тозалаш муҳим жараёнлардан биридир. Бунда чангютгич хизматидан фойдаланган маъқул.

Китобларнинг “кушандаси” бўлган омиллардан бири *қуёш* дедик. Қуёш нурларининг кўз илғамас яшил, ҳаворанг, сиёхранг ва ультра-сиёхранг спектрлари қоғоз структурасига сингиб, китоб варақларининг сарғайиши, бўёқларнинг хира тортишига олиб келади. Шунинг учун китоб жавонларини имкон қадар қуёш нури тўғридан-тўғри таъсир қилмайдиган жойларда ўрнатиш тавсия этилади. Айтмоқчи, пластик ёки шишадан ясалган эшиклар жавонларни қуёш нурунинг салбий спектрларидан муҳофаза қилади.

Китоб жавонларининг токчалари пластик, шиша, темир, ёғоч материалларидан тайёрланган бўлиб, текис бўлиши зарур.

Китоблар вертикал ҳолда, бир-бири билан унча жипслашмаган ҳолда туриши тавсия этилади. Бу, айниқса, муқоваси қалин ёки юпқа форматдаги чарм ва картондан ясалган китобларга тегишли. Негаки, ён томонлама “таянч”сиз турган китоб қисқа муддат ичида эгилиб қолади. Бунинг устига, жипс турган китобни олаётганингизда ёнидагисига шикаст етиши мумкин. Айниқса, китобга қулф солинган ёки бошқа безаклар билан безатилган бўлса. Токчаларда китобларнинг ораси жуда кенг бўлиши ҳам уларнинг орасида чанг тез йиғилишига олиб келади. Шоҳи, бахмал, чарм ёки бошқа қимматбаҳо жилдга ўралган китоблар махсус қутиларда сақлангани маъқул.

Китобларни токчалардан олишда ҳам муайян қоидаларга риоя қилиш лозим. Бунда икки тарафдаги китобларни бир оз суриб, керакли китобни аста тортиб олиш даркор. Яна бир маслаҳат: китоб жилдининг варақлари қавилган жойидан тортманг.

Юқоридаги шартларга риоя қилиш китобларни яхши ҳолатда сақлаш имконини беради. Ёдингизда бўлсин, Сиз барпо этган ва авайлаб-асраган кутубхона фарзандларингиз, фарзандларингизнинг фарзандлари учун ҳам ноёб мулкдир. Зеро, бизни эзгу фазилатларга ўргатувчи китоблар ҳали кўп замонлар асл китобхонларнинг абадий дардкаши ва сирдоши бўлиб қолаверади...

#### **Зарур эслатмалар:**

- китобдан ўз ҳажмидан кичик бўлмаган қаттиқ ва текис жойда (масалан, стол устида) фойдаланиш керак;
- китоб сақланадиган қути стол устида эҳтиёткорлик билан очилиши, қутига бошқа буюмлар солинмаслиги зарур;
- ҳамма китоблар ҳам 180 градусда очилавермайди. Бу кенгликда очилмайдиган китобларни лавҳга қўйиб ўқиш тавсия этилади. Акс ҳолда китоб жилдининг ўрта қисмига шикаст етиши мумкин;
- китоб варақлаганда, бармоқларни намламанг. Саҳифани юқори бурчагидан оҳиста тутиб юқоридан пастга, ўнгдан чапга томон “силаб” очинг;

- китобга илова қилинган иллюстрация (безак)ли махсус саҳифалар мутолаадан сўнг букланган жойидан асл ҳолича тахланиши лозим;
- зулфли китоблар ўқиб бўлингандан сўнг, албатта кулфланиши керак;
- мутолаа вақтида китоб варақлари орасига махсус хатчўплардан бўлак нарсалар солинмаслиги керак;
- мутолаа пайтида баъзан ўқишдан тўхтаб, тўқ ёки яшил рангдаги жисмга қаранг ёки кўзни юмиб дам олдилинг;
- баъзида чуқур нафас олиш ва қовоқларни совуқ сув билан ювиш тавсия этилади;
- стол лампасини ўқиладиган матндан бир метрдан кам бўлмаган масофага жойлаштириш керак;
- стол лампаси ва бошқа ёруғлик манбаларини столни чап томонига жойлаштилинг;
- мутолаа пайтидаги ишчанликка физиологик омиллар таъсир этади. Шунинг учун мутолаага киришишдан аввал, мутолаа пайти ва танаффусларда жисмоний машқлар бажариш, чой, қаҳва ичиш, шоколад, асал истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир (албатта булар суистеъмол қилинмаса);
- кўз билан китоб орасидаги масофа 35–40 см. ни ташкил этиши лозим (нормал кўриш қобилиятида);
- лампа ўта ёруғ бўлмаслиги ва унинг нури кўзга эмас, балки китобга тушиб туриши керак.

### **Адабиёт ва мутолаа йилида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирларнинг методикаси**

#### **“Боқий мўъжиза” номли викторина**

Ушбу викторинада бошловчи, 8 кишидан иборат 2 та жамоа иштирок этади. 5 кишилиқ ҳакамлар ҳайъати жавобларни баҳолайдилар. Тўғри топилган жавобларга 5 балл қўйилади.

Ўйинда 6 та мавзу бўлиб ҳар мавзуда 4 тадан савол ўйналади. Бошловчи мавзуларда қандай саволлар ўйналиши ҳақида тушунча бериб ўтади. Жавобни топиш учун 2 дақиқа вақт берилади. Ўйин давомида ҳар иккала жамоага 2 мартаба

томошабинлардан ёрдам олиш имконияти берилади. Викторинада мусикали танаффус эълон қилиш тавсия этилади.

Қайси жамоа ўйинни биринчи бўлиб бошлаши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

Ўйинни бошлаб берган жамоа берилган 5 мавзудан бирини танлайди ҳамда мавзу ичидан истаган битта рақамни танлайди. Бошловчи саволни ўқийди. Агар берилган жавоб нотўғри бўлса, жавоб бериш ҳуқуқи иккинчи жамоага берилади.

6-мавзу 4 га 4 деб номланади. Бу барча мавзулар тугагач ўйналади. Биринчи жамоа иштирокчиларидан бири иккинчи жамоанинг ҳоҳлаган иштирокчисига карточкага ёзилган адабиёт мавзусидаги саволни узатади. Ўйлаш учун 30 сония вақт берилади. Иккинчи жамоанинг иштирокчиси ҳам шу тарзда биринчи жамоанинг ҳоҳлаган иштирокчисига савол узатади. Ҳар бир жамоа бир-бирига тўртадан савол узатади. Бир иштирокчига икки марта савол узатилмайди.

Агарда ўйин охирида жамоалар тенг балл тўпласалар, қўшимча савол бериш йўли билан ғолиб жамоа аниқланади.

### **Викторина саволлари**

#### **1. Адабиёт надир?**

1. Бадий адабиётнинг илмий адабиётдан фарқи нимада?

(Адабиёт олам ҳодисалари ҳақида билим ва маълумот беради. Бу жиҳатдан у фанга, фаннинг турли тармоқлари – фалсафа, табиатшунослик, кимё, физика, тарих ва бошқаларга ўхшайди, аммо улар ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш усулига кўра ўзаро фарқланади. Зеро, фан илмий умумлашмаларга таянса, адабиёт бадий образларга суянади.

Фан – жамиятнинг муайян қисми шуғулланадиган соҳа. Масалан, кимё фани билан ҳамма шуғулланмайди, бунинг учун муайян қизиқиш, малака ва тажриба, жиддий илмий тайёргарлик керак. Бадий адабиёт эса кишиларнинг ёши ва жинси, касби ва лавозимига боғлиқ эмас. Уни ҳамма ўқиши мумкин.

2. “Адабиётшунослик” атамасининг маъносини айтиб беринг.

(“Адабиётшунослик” атамаси этимологик жиҳатдан “адабиёт” атамасига форс-тожикча – “шинос” (яхши билиш, тайин этиш) феъли ва ўзбекча – “лик” суффиксининг кўшилишидан ҳосил бўлган. “Шинос” феъли ўзбек тили талаффузи тақозосига кўра “шунос” шаклига кириб қолган).

3. Адабиёт атамаси ўзбек адабиётида қачондан қўлланила бошлаган?

(Ўтмишда “адабиёт” тушунчаси бўлса-да, уни ифодаловчи атама йўқ эди. Бу атама ўрнида турли сўз ва иборалар ишлатилган. Чунончи, шеърий асарлар “назм”, “манзума”, “абёт”, “шеър” деб ва прозаик асарлар “наsr” (тизилмаган, тарқоқ сўз) деб юритилган. Ўтмишда шеърий тўпламлар учун махсус атамалар (“баёз”, “девон” каби) ишлатилган-у, аммо шеърий ва насрий асарлар учун махсус атама (адабиёт) бўлмаган ёки бўлса ҳам, одат тусига қирмаган. Адабиёт атамаси XX аср бошларида қўлланила бошланган).

4. Литература нима дегани?

(“Литература” (франц. literature – ёзма адабиёт) атамаси жаҳон фанида XVIII-XIX асрларда пайдо бўлган. Бу атамани Россияда биринчи бўлиб илмий асослаган танқидчи В.Г.Белинскийдир. Россияда XIX аср ўрталаригача “литература” ўрнида “поэзия” атамаси ишлатилган. Махсус ва тор маънодаги “адабиёт” атамаси ўзбек тилида XX аср бошларида қўлланила бошланган).

## **2. Тўқима десанг ўқима**

1. Реалистик образ...

(Реалистик образ – ҳаёт ҳақиқатига монанд образлар бўлиб, улар жонли одамларга хос бўлган хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Ўзбек мумтоз адабиётида яратилган образларнинг аксарияти романтик образлар бўлса, XX аср ўзбек адабиётининг асосий қаҳрамонлари реалистик образлардир. “Ўтган кунлар” романидаги Отабек, Кумуш; “Улуғбек хазинаси”да Мирзо Улуғбек, Темур Самарқандий, Қаландар Қарноқий ва бошқа образлар реалистик образлардир).

## 2. Символик образлар...

(Символик образлар – предметлар, ўсимликлар, нарсалар, жониворлар, ранглар орқали ижтимоий ходисаларни умумлаштириш демакдир. Чунончи, кабутар – тинчлик рамзи, гул ва булбул – маъшуқа ва ошиқ рамзи, кизил ранг – озодлик рамзи ва ҳоказо.

Символик образларнинг яна бир гуруҳи аллегорик образлар деб юритилади. Аллегорик образлар шу билан характерланадики, бунда қуш, ҳайвон, ҳашарот кабилар инсонларга хос бўлган хусусиятга эга қилиб кўрсатилади. Чунончи, масалларнинг қахрамонлари, асосан аллегорик образлар бўлади).

## 3. Хаёлий - фантастик образлар...

(Хаёлий - фантастик образлар – ҳаддан ташқари бўрттирилган, илоҳийлаштирилган, мўъжизавий характерга эга бўлган образлар. Бундай образлар халқ оғзаки ижодида кўп учрайди. “Алпомиш” достонидаги Жин, “Минг бир кеча”даги Дев, халқ эртақларидаги Жин, Ажина, Дев каби образлар шулар жумласига киради).

## 4. Романтик образлар...

(Романтик образлар – ҳаётда айнан бўлмаган, аммо бўлиши орзу қилинган – мўъжизавий куч-қувват эгаси бўлган, кўтаринки руҳ билан яратилган образлар. Масалан, Алишер Навоийнинг “Хамса”сида яратилган қатор образлар – Фарход, Ширин, Моҳинбону, Шопур ва бошқалар ана шундай мўъжизакор романтик образлардир).

### **3. А дан – Я гача**

#### 1. Конфликт...

(Конфликт (лот. conflictus - ихтилоф, тўқнашув) – бадий асарда иштирок этувчи шахслар ўртасидаги юзма-юз кураш ёки қахрамоннинг ўз атрофини қуршаб олган муҳити, ўз-ўзи билан рухий тўқнашуви, олишуви. Конфликт – сюжетни ҳаракатга келтирувчи асосий куч. Агар сюжетни автомобиль деб фараз қилсак, конфликт унинг двигателидир; сюжет – ташқи кўриниши бўлса, конфликт унинг ички оқимидир).

#### 2. Кульминация...

(Кульминация (лот. culmen – чўққи) – асардаги воқеалар ривожининг юксак чўққиси. Кульминацияда асардаги конфликт – кураш ғоятда кескин тус олади, қаҳрамон характери ёрқин очилади. Масалан, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Хусрав билан Фарҳоднинг мунозараси асар сюжетининг кульминацион нуқтасини ташкил этади).

### 3. Эпилог...

(Эпилог (юн. ері- сўнг, logos- сўз, сўнгги сўз) – бадиий асар охирида қаҳрамонларнинг кейинги тақдирини сўзлаб берувчи хотима. И.С.Тургеневнинг “Оталар ва болалар” романи, Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” повести ва бошқа асарларда эпилог берилган).

### 4. Пролог...

(Пролог (юн. про - олд, аввал; logos- сўз, сўз олди, аввалги сўз) – адабий асардаги муқаддиманинг бир тури бўлиб, бундай муқаддима китобхонни муаллиф нияти, асарда тасвирланадиган воқеалардан аввалги воқеаларнинг қисқача мазмуни билан, пьесаларда эса қатнашувчилар билан таништиради).

## 4. Сўздан сўз чиқар

### 1. Монолог...

(Монолог (юнон. monos-logos – бир сўз) – асар қаҳрамонининг суҳбатдошига, ўзига, баъзан китобхон-томошабинларга қарата айтган гап-сўзи, нутқи. Монолог қаҳрамонининг руҳий кечинмаларини, фикр-мулоҳазаларини ифодалайди, образнинг моҳиятини очади.

Монолог деганда биргина иштирокчиси бўлган асарлар ҳам тушунилади).

### 2. Диалог...

(Диалог (лот. dialogos – икки шахс орасидаги сўз) – бадиий асарда икки персонаж орасида бўлган баҳс-мунозара, савол-жавоб, суҳбат, адабий асарларда, хусусан, сахна асарларида диалог қаҳрамонлар характерини очувчи асосий воситалардан биридир. Одамларнинг ўзаро баҳси, суҳбати тарзида ёзилган бадиий асарлар ҳам диалог деб юритилади).

### 3. Полилог...

(Полилог (юнон. poly – кўп, logos- сўз) - асарда уч ва ундан ортиқ персонажларнинг баҳс-мунозаралари, тортишуви, савол-жавоби. Адабий асар тилида монолог ва диалоглар канчалик катта роль ўйнаса, полилог ҳам ғоятда аҳамиятлидир).

#### 4. Ички монолог...

(Ички монолог – қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан ичдан (руҳан) гаплашиб, фикрлаши, ҳис-туйғуларининг ички ифодаси. Ички монологда қаҳрамон ўзининг сирли, яширин фикрларига айтилади. Одатда, ички монологларда қаҳрамон ҳаётининг энг кескин моментлари ифодаланади).

### 5. Юз шевадир мен ёзган ашъор

#### 1. Қасида...

(Қасида – машҳур тарихий шахслар ва буюк воқеаларни мадҳ этувчи тантанавор услубдаги лирик жанр. Одатда қасида кириш билан бошланади, кейин тасвир объектга ўтилади, охирида дуо ҳамда матлабининг баёни берилади. Ўтмишда подшолар ва ҳукмдорлар, улуғ тарихий шахслар, буюк тарихий воқеалар, табиат манзаралари, май, ишқ-муҳаббат, шоирнинг ўзи яшаган муҳитдан шикоят ёки ўз фазилатлари ҳақида қасидалар яратилган).

#### 2. Марсия...

(Марсия – қалбга жуда яқин бўлган машҳур кишининг вафотига бағишланиб, унинг сифатлари баён қилинган ва ўлимига афсус билдирувчи ғам-алам ва ҳасратли лирик шеър).

#### 3. Ғазал...

(Ғазал – ишқ-муҳаббат ҳақида баҳс юритувчи лирик шеър. Ғазал шарқ халқлари лирикасида кенг тарқалган жанр бўлиб, у ўз тараққиётининг дастлабки даврларида фақат ишқ-муҳаббат мавзуларида яратилган. Аммо кейинги даврларда ғазалнинг мавзу доираси кенгайиб борган. Шу тариқа, ғазал тематикаси инсоннинг соф интим туйғулари билан бирга ижтимоий ҳаёт муаммоларини ҳам қамраб оладиган бўлган).

#### 4. Қитъа...

(Қитъа (араб. – парча) – қадимий лирик жанр. Қитъа шундай бир лирик жанрки, у ихчам бўлади, унда фикр лўнда ва конкрет баён қилинади, мураккаб усуллар қочирик-киноялар

деярли учрамайди, тасвир объекти бевосита кўрсатилади, баҳоланади; воқеа-ҳодислар аслига монанд ифодаланди.

#### **6. 4 га 4**

##### **Қўшимча саволлар**

1. “Девону луғотит-турк” қандар асар?

(“Девону луғотит-турк” Маҳмуд Қошғарий ёзиб қолдирган ва туркий халқлар учун бебаҳо бўлган қомусий асардир.

Девоннинг муаллифи Маҳмуд Қошғарий умри давомида қилган машаққатли меҳнати эвазига қомусчи олим ва толмас сайёҳ бўлиб танилди. У туркий тил грамматикасини ишлаб чиққан биринчи тилшунос олимдир.

“Девону луғотит-турк”да олим туркий тилдаги сўзлар маъносини араб тилида изоҳлаб беради. Мисол сифатида эса кўшиқлар ва мақоллардан ҳамда бадий адабиётдан парчалар келтиради.

Бу китобда Ўрта Осиёда яшаган туркий халқларнинг XI асргача бўлган бадий ижоди тўғрисида жуда қимматли маълумотлар жамланган.

“Девону луғотит-турк” асари 1072 йилда ёзила бошланган. Аммо унга кирган материаллар узоқ йиллар давомида тўпланган. Маҳмуд Қошғарийнинг ўзи: “Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарлари, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, – деб ёзади.

Асар 1074 йилда ёзиб тугатилган. Муаллиф бу ҳақда шундай деган: “Китоб 464 ҳижрий йилда жумодул-аввал бошларида бошланди ва тўрт қарра ёзилгандан ва тугатилгандан сўнг 466 йил жумодул-охирнинг 12 куни битирилди”).

2. Қадимги туркий қаҳрамонларнинг эпослари ҳақида маълумот беринг.

(Булар “Тўмарис” ва “Широк” афсоналари.

Тўмарис ҳақидаги ривоят Геродотнинг “Тарих” китоби орқали етиб келган. Геродот бу афсонанинг қисқача баёнинигина келтирган холос. Унда эрамиздан олдинги олтинчи

асрда Эрон шоҳи Кирнинг массагетлар устига тажовузи ҳамда Тўмарис бошчилигидаги туркий қабилаларнинг Ватан учун мардонавор кураши акс этган. Тўмарис бизгача етиб келган афсоналар орасидаги энг қадимги аёл тасвиридир.

Иккинчи афсонанинг қаҳрамони Широқ ўз ватанини, ўзи мансуб бўлган сак элини беҳад севади. Тўғри, чин маънодаги инсон ўз киндик қони тўкилган ерни, бир тилда гаплашадиган, ўзини вояга етказган халқни севмаслиги, унинг зафар ва ривоятдан суюниб, нуқсон ва заволидан қайғурмаслиги мумкин эмас. Широқдаги ватанпарварлик, ватан тақдирига куйиниш ва ўзини ундан ташқарида тасаввур қила олмаслик туйғулари такрорланмас, гўзал, бебаҳо, ибратли фазилатлардан.

Ушбу фазилатлар эгаси бўлмиш Широқ душман қўшинини хийла билан ҳалок этади.

3. Туркий тилда яратилган илк йирик ёзма достон ҳақида нималарни биласиз?

(Туркий тилда яратилган илк йирик ёзма достон Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга йўлловчи билим”) асаридир. Бу асар 1069–1070 йилларда битилган.

“Қутадғу билиг” исломий туркий адабиётни бошлабгина бермай, уни янги тараққиёт босқичига ҳам кўтарган.

Бу асар XI-аср сўз санъатининг нодир намунаси бўлиб, унда ўз даврининг илғор ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалари бадиий талқин қилинган, туркий халқлар тарихи, маданияти, илм-фани, урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи, кадриятлари хусусида батафсил маълумот берилган.

Юсуф Хос Ҳожиб уни Болосоғунда бошлаб, Қашқарда ёзиб тугатган ва қорахоний ҳукмдор тавғоч Буғрохонга тақдим этган. Буғрохон муаллифни тақдирлаб, унга “Хос Ҳожиб” (“Эшик оғаси”) унвонини берган.)

4. “Ҳибат-ул-ҳақойик” асари ҳақида гапириб беринг.

(“Ҳибат-ул-ҳақойик” 14 боб, 512 мисрадан иборат достондир. Достоннинг 1-боби Аллоҳга ҳамд 2-боби Муҳаммад (с.а.в) ва чорёрлар таърифига, 3-боби Дод Сипоҳсолорбек мадҳига бағишланган. 4-бобда китобнинг ёзилиши сабаблари баён қилинган. Дастлабки 4 муқаддима бобдан сўнг асосий

қисмга ўтилади. 5-боб – маърифатнинг фойдасию жаҳолатнинг зарари, 6-боб – тил одоби, 7-боб – дунёнинг ўткинчилиги, 8- боб – сахийлик ва бахиллик, 9 ва 10-боблар турли масалаларга бағишланган бўлиб, 11-боб – китобнинг хотимаси.

Китоб қошғарий тилда шеърий йўл билан ёзилган. “Қутадғу билиг”дан 1-2 аср кейин яратилган бу асар ўзбек мумтоз адабиётининг ноёб дурдонаси ҳисобланади.

Машҳур шарқшунос олим Е.Э.Бертельс бу асар қадимий ўзбек адабиёт тилидан мумтоз ўзбек адабий тилига ўтишда бир кўприк бўлганини айтади. Асар тилида қадимий туркий сўзлардан кўра, араб ва форс сўзларининг кўп қўллангани шундан далолат беради. Югнакийнинг бу асари ўзбек адабий тили ва адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган.

### **“Ёшлар, адабиёт ва мутолаа” мавзусида тематик-бадий кеча сценарийси**

**Қатнашувчилар:** 2 та бошловчи. Адабиётшунос, журналист, йигит, қиз,

**1-бошловчи:** Ассалому алайкум, кечамизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар!

**2-бошловчи:** Ассалому алайкум, даврамиз иштирокчилари кечамизга хуш келибсиз.

**1-бошловчи:** Кўпчилигингизнинг хабарингиз бор: МДҲ мамлакатларида”2008 йил – “Адабиёт ва мутолаа йили” деб эълон қилинди.

**2-бошловчи:** Бизнинг кутубхонамиз шу муносабат билан “Ёшлар, адабиёт ва мутолаа” номли кеча тайёрлаган.

**1-бошловчи:** Адабиёт – инсон кашф қилган ҳамма мўъжизалар, ҳамма буюк ихтиролар ичида энг буюги, энг улуғвори. У ажойиб булоқ. У шундай булоқки, унда кўз ёшининг мусаффолиги, қизлар хандасининг кўнғироқдек оҳангдор жаранги, камалак нурларидек ранг-баранг товланиши бор.

**2-бошловчи:** “Адабиёт атомдан кучли, лекин уни ўтин ёришга сарфлаш керак эмас”, – дейди Абдулла Қаҳҳор.

**1-бошловчи:** Зилола, бугунги кечамизга адабиётшунос ... таклиф этганмиз. Келинг, ҳозир уларни даврага таклиф этсак-да, улар бизларга адабиёт нега атомдан кучли ва унинг кучи нимада эканлиги ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашсалар. Марҳамат!

*Адабиётшуноснинг чиқиши*

**2-бошловчи:** Сермазмун фикрларингиз учун ташаккур.

**1-бошловчи:** Қадим замонлардан бери одамлар оламда етти мўъжиза бор деб ҳисоблашади. Булар – Миср Фиръавнларининг эҳромлари, Бобилнинг осма боғи, ов худоси Артемида маъбуди, Зевснинг ҳайкали, Галикарнас мақбараси, куёш худоси Гелиоснинг ҳайкали ва ниҳоят, Наҳри Нилда Фарос оролидаги маёқдир. Дарҳақиқат, улар бениҳоя улуғвор, бениҳоя ноёб ва гўзал. Улар яратилгандан бери неча асрлар ўтди. Лекин етти мўъжиза инсон ақлининг, тафаккурининг, қалбининг оташин мадҳияси, инсон даҳосининг улуғлигига қўйилган мангу обида бўлиб келмоқда.

**2-бошловчи:** Бироқ шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан кам эмас. Бу мўъжиза – китоб. Китобнинг мўъжиза, мўъжиза бўлганда ҳам биринчи мўъжиза эканини кўпгина буюклар қайд этган.

**1-бошловчи:** Зилола, бугунги кечамиз ёшлар ва мутолаа мавзусида экан, ёшларнинг китоб, мутолаа ҳақидаги фикрлари билан танишсак яхши бўларди.

*( шу пайт саҳнадан бир йигит ўтиб кетаётган бўлади). 1-бошловчи унга: Оғайни, тўхтанг, сизга саволим бор. (йигит тўхтайди ва бошловчилар билан саломлашади).*

**1-бошловчи:** Айтинг-чи, китоб сиз учун нима?, китоб мутолаа қилиб турасизми? *(йигит бошини қашлаб, бир-зум ўйга толади).* *Йигит:* Китобми? Мактабда ўқийвериб роса тўйганман. *(йигит қўл ҳаракати билан китобдан тўйганлигини ифодаловчи ҳаракатни кўрсатади)* Лекин танаффус пайти, баъзан дарсда ҳам китобларни ёстиқ қилиб мазза қилиб мизғиб олардим. Китобнинг бошқа фойдали томонлари ҳам бор.

**2-бошловчи:** Масалан, қандай?

**Йигит:** Ким биландир жанжаллашсанг, китоб билан бир зарб туширишинг мумкин. Уларни стулнинг устига тахлаб тепа полкалардан бирор нима олиш ҳам мумкин. Писта, курт ўраб сотса бўлади. Хуллас, фойдали жиҳатлари бисёр. Бошқа саволлар йўқми? Мен кетдим, хайр. *(йигит шоша-пиша кетиб қолади)*

**2-бошловчи:** Тавба қилдим, бу йигит учун китоб – ёстик, жанг қуроли ва рўзғор буюми экан-да.

**1-бошловчи:** Келинг, энди ҳув анави келаётган қизни тўхтатиб саволга тутамиз.

*(саҳнадан қўлида китоб билан бир қиз ўтиб кетаётган бўлади. Бошловчилар уни тўхтатиб саломлашадилар)*

**1-бошловчи:** Сиз албатта китоб мутолаа қиласиз, тўғрими?

**Қиз:** Ҳа, албатта мутолаа қиламан.

**2-бошловчи:** Китобни нима учун ўқийсиз?

**Қиз:** Нима учун бўларди? Кўпроқ ахборот ва маълумотлар олиш учун, рухий дунёمنى бойитиш учун ҳам. Бир файласуф айтган-ку “Инсонлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар” деб, мен фикрлашдан тўхтаб қолишни, тор фикрли одам бўлишни истамайман.

**2-бошловчи:** Бироқ баъзилар китоб бошқа, ҳаёт бошқа дейдилар.

**Қиз:** Менимча китобий билим ва ҳаётий билим – бу бир-бирини тўлдирувчи, инсон учун тенг зарур нарсалар. Ақлли одам ҳар иккисига етарли эътибор беради ва икковини эгалламай туриб, биттасининг ўзини ўзлаштиролмаслигини билади *(деб саҳнадан чиқиб кетади)*.

**2-бошловчи:** Кўрдингизми, бундай китобсеварлар ҳам бор.

**1-бошловчи:** Келинлар эндиги навбатни журналист ... га берсак. Уларнинг ҳозирги кунда ёшлар қандай адабиётларни қизиқиш билан мутолаа қилаётгани ҳақидаги маълумотлари билан танишсак.

*журналистнинг чиқиши*

**2-бошловчи:** Эндиги гални санъаткорларимизга берамиз. Марҳамат.

*қўшиқ ижро этилади*

**1-бошловчи:** Раҳмат, ижодларингизга барака тилаймиз.

**2-бошловчи:** Кўпчиликнинг хабари бор ... кутубхонаси вилоят телевиденияси билан ҳамкорликда икки ой давомида “Биз ва китоблар” мавзусида фототанлов ўтказган эди. Телевидениега кўплаб фотосуратлар юборилди. Ҳакамлар хайъати улар ичидан энг яхшисини бир неча номинациялар бўйича танлаб, ғолиб ва совриндорларни аниқлади. Бугун биз ана шу ғолиб ва совриндорларни кечамизга таклиф этганмиз. Уларга ажойиб совғалар тайёрланган. Ғолибларни табриклаш ва совғаларни топшириш учун саҳнага кутубхона директори... ни таклиф этамиз.

*директор ғолиб ва совриндорларни табриклаб, совғаларни топширади*

**1-бошловчи:** Мана бугунги кечамиз ҳам поёнига етиб қолди. Кечамизни яқунлар эканмиз барчангизга китоб, китоб шаклида яшайдиган адабиётга доимо ошно бўлишингизни талаб қоламиз. Кейинги шу каби тадбирларда учрашгунча хайр.

**2-бошловчи:** Хайр, соғ-омон бўлинглар.

### **“Кўнгил эҳтиёжи” номли китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар**

#### **1. Адабиёт надир?**

Ушбу бўлимга адабиёт фани дарсликлари, ўқув қўлланмалари, луғатлар жойлаштирилади.

#### **2. Адабиёт яшаса –миллат яшар**

Мазкур бўлимдан адабиётшуносларнинг мақола, эссе, хотира ва адабий суҳбатларидан ташкил топган китоблари жой олади.

#### **3. Адабиёт – сўз санъати**

Бу бўлимда адабиёт ва мутолаа ҳақида матбуотда эълон қилинган материаллар кўрсатилади.

#### **4. Биринчи мўъжиза**

Бу бўлимга китоб мавзуси билан боғлиқ фотосуратлар жойлаштирилади.

**Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс  
марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар  
туркуми**

Т/р	Тадбирнинг мавзуси ва шакли	Қатнашувчилар
1	<p>“Истеъдод жилолари” “Олтин кўприк” <i>МДХ мамлакатлари адабиёт намоёндаларининг таваллуди муносабати билан китоб кўرғазмалари, библиографик шарҳлар( йил давомида)</i></p> <p>1. Шоир Андрей Вознесенскийнинг 75 йиллиги (1933) 2. Ёзувчи Валентин Пикуллнинг 80 йиллиги (1928–1990) 3. Ёзувчи Нодар Думбадзенинг 80 йиллиги (1928–1984) 4. Шоир Расул Ҳамзатовнинг 85 йиллиги (1923–2003) 5. Ёзувчи Чингиз Айтматовнинг 80 йиллиги (1928–2008) 6. Лев Николаевич Толстойнинг 180 йиллиги (1828–1910) 7. Иван Тургеневнинг 190 йиллиги (1818–1883) ва бошқ.</p>	<p>Миллий маданият марказлари ходимлари, кенг китобхонлар оммаси</p>
2	<p>“Ўқиган-ўзар” “Менинг энг яқин дўстим” <i>Китоб ва мутолаа муаммоларига бағишланган китобхонлар конференцияси</i></p>	<p>Талабалар</p>

3	<i>МДХ мамлакатлари шоирларининг ижодига бағишланган шеърят кечалари</i>	Кенг китобхонлар оммаси
4	<i>“Адабиёт–атомдан кучли” “Адабиёт – чегарасиз уфқ” давра суҳбати</i>	Талабалар, юқори синф ўқувчилари, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар
5	<i>“Муаллифлик ҳуқуқи: ўтмиш ва бугун” учрашув кечаси</i>	Ҳуқуқшунослар, кенг китобхонлар оммаси ёзувчи, шоир ва журналистлар
6	<i>“Инсон ва замон куйчиси” Мақсуд Шайхзода таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан оғзаки журнал</i>	Адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар
7	<i>“Адабиёт–абдий” “Адабиёт надир?” мавзуларида викториналар</i>	Мактаб, коллеж ўқувчилари, талабалар
8	<i>Янги нашрдан чиққан бадиий китобларнинг тақдироти</i>	Асар муаллифи, нашриёт ходимлари, кенг китобхонлар оммаси

## Адабиётлар

Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилиши ҳақида: ЎзР Олий Мажлисининг 2004 й. 27 авг. №681-қарори //ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-2004.-№9.-Б.69.

\* \* \*

Абрамов Ю. А. Демин В. Н. 100 великих книг.-М.: Вега, 2000.-480 с.(100 великих)

Адабиёт – руҳият мулки: Адибларимизнинг ижод сирлари ҳақидаги дурдона фикрларидан /Тўпловчи О.Бегимкулов; Масъул муҳаррир К.Норматов.-Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.-96 б.

Адабий ўғрилиқ. //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. А-Бешбалиқ. Таҳрир ҳайъати: М. Аминов, Б. Аҳмедов, Ҳ. Бобоев ва бошқ.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.-Б. 120.

Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар /Масъул муҳаррир Н.Каримов.-Т.: Маънавият, 2001.-72 б.

Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари: Олий ўқув юр்தларининг филология (ўзбек тили ва адабиёти) факультетлари талабалари учун дарслиқ /Масъул муҳаррир С.Мамажонов.-Т.: Ўзбекистон, 2002.-560 б.

Дўстмуҳаммад Қудрат. Нобел мукофоти олган адиблар: (1902 – 2000 йиллар) /Сўз боши О.Шарафиддинов.-Т.: Маънавият, 2002.-256 б.

Ёкубова М. Китоб устида мустақил ишлаш.-Т.: Ўзбекистон, 1983.-31 б.

Жаббор Султон. Китоб меҳри: Ўрта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун.-Т.: Ёш гвардия, 1990.-128 б.

Жумаева С. Рақам, маъно ва тасвир: Рисола /ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти.-Т.: Янги аср авлоди, 2005.-48 б.

Умаров А. Мутолаа учун вақт: Топганга таъзим қилиш керак ,-дейди Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори Абдусалом

Умаров [Ў. Кенжаев ёзиб олди] // Миллий тикланиш.-2008.-7 май

XX аср ўзбек адабиёти тарихи: Ун-т ва ин-тнинг бакалавр ихтисослигини олувчилар учун дарслик.-Т.: Ўқитувчи, 1999.-543 б.

Калюжная Л.С. Иванов Г.В. 100 великих писателей.-М.: Вече, 2004.-592 с.(100 великих)

Китоб – офтоб /Сўз боши муаллифи, тузувчи ва тарж. Ш.Шомухамедов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.-112 б.

Матжон Сафо. Китоб ўқишни биласизми?: Китобхон билан мулоқот.-Т.: Ўқитувчи, 1993.-144 б.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти: Олий ўқув юртларининг филология факультетлари у-н дарслик /ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.-Т.: Маънавият, 2004.-464 б.

Мирзаев И. Адабиёт ва давр дарди /Масъул муҳаррир С.Мелиев.-Т.: Фан, 1990.-52 б.

Мирзаев С. Ҳаёт ва адабиёт: Илмий асарлар, публицистик мақолалар /Масъул муҳаррир Б.Валихўжаев.-Т.: Шарқ, 2001.-304 б.

Назаров Б. Қўчқорв Р. Адабиётшунослик //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. А-Бешбалиқ. Таҳрир ҳайъати: М. Аминов, Б. Аҳмедов, Ҳ. Бобоев ва бошқ. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.-Б. 122-124.

Норматов У. Умумбахш тамойиллар: Истиклол, адабиёт ва маънавият.-Т.: Маънавият, 2000.-112 б.

Очилов Э. Югнакий //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. Шарқ-Қизилқум. Таҳрир ҳайъати: А. Азизхўжаев, Б. Алимов, М. Аминов ва бошқ. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.-Б. 307-308.

Поварнин С. Как читать книги? Изд. 3-е.- М.: Книга, 1978.-53 с.

Саримсоқов Б. Адабиёт //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. А-Бешбалиқ. Таҳрир ҳайъати: М. Аминов, Б. Аҳмедов, Ҳ. Бобоев ва бошқ.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.-Б. 120.

Саримсоқов Б. Адабиёт назарияси //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. А-Бешбалиқ. Таҳрир ҳайъати: М. Аминов, Б. Аҳмедов, Ҳ. Бобоев ва бошқ.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.-Б. 121–122.

Смородинская М. Маркова Ю. О культуре чтения: Что нужно знать каждому?.- М.: Книга, 1984.-88 с.

Султон Иззат. Адабиёт назарияси: Ун-тлар ва пед. ин-т филол. фак. студ. у-н дарслик.-2 нашри.-Т.: Ўқитувчи, 1986.-406 б.

Умаров А. Мутолаа маданияти: Шахс, жамият, тараққиёт.- Т.: Фан, 2004.-194 б.

Хайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти: Тадқиқотлар, мақолалар, лавҳалар /Масъул муҳаррир Т.Мирзаев.- Т.: Фан, 1996.-160 б.

Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза: Адабий-танқидий мақолалар / Сўз боши муаллифи П. Шермухамедов.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.- 464 б.

Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти /Масъул муҳаррир У.Норматов.-Т.: Шарқ, 2004.-640 б.

Энг содиқ дўст, энг зарур ҳамроҳ /Тўплаб нашрга тайёрловчи С.Остонов.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-96 б.

Юсуф Хос Ҳожиб //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. Шарқ-Қизилқум. Таҳрир ҳайъати: А. Азизхўжаев, Б. Алимов, М. Аминов ва бошқ. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.-Б. 347.

Ўзбек насри тарихидан /Масъул муҳаррир И.Султонов.-Т.: Фан, 1982.-196 б.

Қаҳҳор Абдулла. Адабиёт атомдан кучли: Адабий-танқидий мақолалар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.-108 б.

Қаҳҳор Абдулла. Бадиий ижод ҳақида /Тўпловчи ва масъул муҳаррир Н.Каримов.-Т.: Фан, 1987.-137 б.

Қодирий Абдулла. Ижод машаққати: Бадиий ижод ҳақида фикр ва мулоҳазалар /Нашрга тайёрловчи А.Каримов.-Т.: Ўқитувчи, 1995.-16 б.

Қўшжонов М. Ҳаёт адабиёт кўзгусида.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.-299 б.

\* \* \*

Абдулла Аъзам. Интернетми ё китоб? //Тафаккур.-2006.-№4.-Б. 74-81.

Абдулла Қаҳҳор. Китоб шавқ билан ўқилиши керак //Шарқ юлдузи.-2007.-№4.-Б.66-67.

Аъзамов А. Китоб //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2004.-27 авг.

Бозор Илёс ал-Амин. Миллий адабиётнинг икки илдизи //Шарқ юлдузи.-1998.-№1.-Б.156-158.

Валиев Ф. “Электрон китоб” яратиш истиқболлари //Жамият.-2007.-9 февр.

Жўраева Ҳ. Кўнгилга яқин ҳамроҳ //Ишонч.-2006.-10 дек.

Иброҳимов И. Сиз китоб ўқияпсизми? //Халқ сўзи.-2008.-15 янв.

Иброҳим Ҳаққул. Адабиётнинг кучи //Тафаккур.-2007.-№3.-Б. 16-19.

Йўлдошев Қ. Янги ўзбек адабиёти: илдизлар, белгилар, босқичлар //Шарқ юлдузи.-2007.-№1.-Б.132-138.

Малик Тоҳир. Офтоб нури тегмаган ер ҳосил бермайди //Халқ сўзи.-2007.-10 июль.

Маҳкамova М. ХХI аср китобхони: У қандай манбани танлайди? [Давра суҳбати] //Адолат кўзгуси.-2008.-11-17 апр.

Миразиз Аъзам. Яна болалар китобхонлиги тўғрисида //Тарбия.-2007.-№3.-Б.20-22.

Мирпўлат Мирзо. Тафаккур дурдоналари //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-1 июнь.

Норматов К., Бекмуродов Н. Китоб – миллий тафаккур онаси //Хуррият.-2007.-12 сент.

Олломурадov М. Тузланган олма //Ҳаёт.-2005.-15 сент.

Омонова Н. Чиройли муқовалар ёхуд китобсевар оила мулки // Jannat Makon.-2007.-№10.-Б.102-103.

Отабоев А. Поттер сеҳрлаган китобхонлар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-14 сент.

Панжиев Х. Китоб мутолаа қиласизми? //Nur.-2007.-4 окт.

Ражабов Қ. Жаид адабиёти //Ўзбек тили ва адабиёти.-2002.-  
№5.-Б.31-34.

Солижонов Й. Романнинг оидин йўли //Шарқ юлдузи.-  
2004.-№1.-Б.150-153.

Саъдинов Ж. Ўқиш учун имконият қидиринг //Tarbiya.-  
2007.-№5.-Б.39-44.

Саъдий Маҳмуд. Менинг энг яқин дўстим: Оддий ва муҳим  
//Jannat Makon.-2007.-№9.-Б.48-51.

Тошев А. Қалб ёмғири // Ўзбекистон адабиёти ва санъати .-  
2007.-22 июнь.

Тошматов Н. Олтин кўприкни асрайлик /Муштум.-2007.-  
№5-6.-Б.1.

Улуғов А. Адабиётни авлодлар янгилайди //Ёшлик.-1998.-  
№4.-Б.32-34.

Умаров А. Мутолаа ўргатиш эртақдан бошланади [Алишер  
Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори  
билан суҳбат] /Суҳбатдош А.Мухторов //Ўзбекистон адабиёти  
ва санъати.-2005.-26 авг.

Устаазизова Д. Атомдан кучли //Гафаккур.-2007.-№3.-Б. 16-  
19.

Файз Адиба. “Китоб куни” бўлиб ўтди //Миллий тикланиш.-  
2007.-18 апр.

Холмирзаев Ш. Адабиёт ўладими? Ақл мунозараси  
//Гафаккур.-1998.-№2.-Б.72-81.

Худойберганов Я. Китобнинг мўъжизакор таъсири //Халқ  
сўзи.-2007.-26 июль.

Честерфилд. Фарзандга мактублар / Қ.Носиров тарж.  
//Жаҳон адабиёти.-2004.-№3.-Б.108-137.

Шодмон Отабек. Чуқур дарё сокин оқади //Ўзбекистон  
адабиёти ва санъати.-2007.-9 нояб.

Қурбонова М. Китобхонлик ва биз //Саодат.-2007.-№5.-Б.19.

Қиёмов М. Билим ва гафаккур – китобдан //Жамият.-2008.-1  
февр.

Ҳамдамов Ю. Ўқиган ўзар: Мулоҳаза учун мавзу  
//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2008.-1 фев.

Босишга рухсат этилди 2008 йил 25 август  
Бичими 60x84 1/16      Ҳажми 2.5 б.т      Нусхаси 300  
Буюртма № 99

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
босмахонаси. 100033 Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33.